

Иорданияда ёзги Қуръон курслари бошланади



15:30 / 09.07.2021 1127

Иорданиянинг Ислом ва вақфлар вазирлиги томонидан 7 июль куни «Шаҳидларнинг 100 йиллиги» шиори остида ёзги Қуръон курслари бошланди.

Ислом ва вақфлар вазири Муҳаммад ал-Халил ёзги Қуръон ёдлаш марказларининг очилиш маросимида шундай деди: «Иордания вақфлар вазирлигининг мақсади фуқаролик ва қурбонлик қадриятларини мустаҳкамлашдир. Бундан ташқари, Ислом умматининг муаммоларини, хусусан Фаластин масаласи, Қуддус ва муқаддас жойларни ҳимоя қилишда қаршилиқнинг роли кучайтирилиши керак».

Вазирликнинг мақсади ёзги Қуръон марказларини ташкил этиш, Қуръонни ўқиш ва ёдлашни ўргатиш, унинг талаблари, қадриятлари ҳамда анъаналарини мустаҳкамлашдир. Шунингдек, диний, ахлоқий, маданий ва миллий авлодни тарбиялашда ҳамкорлик қилишдир.

Қуръон марказида таҳсил оловчи талабаларнинг сони тўғрисида Иордания вақф вазири шундай дейди: «Бу йил коронавирус билан боғлиқ вазият туфайли ёзги марказларга тахминан 20000 эркак ва аёллар ташриф буюриши кутилмоқда. Коронавирус эпидемиясидан олдинги йилларда бу

рақам 120 мингга етган».

Диний таълим бўйича директор ва Иорданиядаги ёзги Қуръон курслари куратори Хатем Саҳиматнинг айтишича, бу йил ушбу марказларнинг сони мамлакатнинг турли вилоятларида 800 тага етади. Вазирлик ушбу марказларда соғлиқни сақлаш баённомаларини жорий этишга алоҳида аҳамият беради. Қуръон марказларида қироат ва тажвидга ихтисослашган ўқитувчилар таълим беришади.

Хуршид Маъруф